

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 862-ҳадис

862 - وَعَنْ أَبِي يُوسُفَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ؛ أَفْشُوا السَّلَامَ، وَأَطْعِمُوا الطَّعَامَ، وَصَلُّوا الْأَرْحَامَ، وَصَلُّوا وَالنَّاسُ نِيَامًا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ صَحِيحٌ [2485].

862. Абу Юсуф Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

**«Эй инсонлар, саломни (таниган ва танимаганлар орасида) ёйинг. Овқат билан (камбағалларни) таомлантиринг, қариндошларга боғланинг. Кишилар ухлаганда намоз ўқинг, жаннатга саломат ҳолда кирасизлар»,** дедилар.

*Имом Термизий ривояти. Термизий буни саҳиҳ ҳадис, дедилар.*

**Шарҳ:** Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинаётган ушбу ҳадиси шарифда маҳбуб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатга киришимиз учун сабабчи бўладиган баъзи бир ишларни баён қилиб бермоқдалар.

### 1. «Эй инсонлар саломни таратинг».

Мусулмонларнинг саломлашиш сўзлари, бир-бирларини кўрганларида биринчи айтадиган иборалари «Ассалому алайкум»ни таратиш унга одатланиш, доимо канда қилмай айтиб юриш, танигангаю танимаганга салом бериш маъноларини билдиради. Демак, жаннатга саломатлик билан кирайин, деган нияти бор мусулмон инсоннинг қиладиган амалларидан бири саломни таратиш бўлмоғи керак экан.

### 2. «Овқат билан (камбағалларни) таомлантиринг».

Саломни таратишда маънавий яхшилик бўлса, таомни тарқатишда моддий яхшилик борлиги ҳеч кимга сир эмас. Ислонда таом тарқатиш ҳақида сўз кетганда энг аввало, фақир-мискин, бева-бечора ва муҳтожларга моддий

ёрдам бериш, уларнинг қоринларини тўйдириш кўзда тутилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу Ислом дини камбағалпарварлигининг энг муҳим томонларидан биридир.

Сиз билан бизлар ҳам динимиз таълимотларига амал қилиб, имконимиз борида муҳтож кишилардан ўз ҳимматимизни аямаслигимиз керак бўлади.

### 3. «Қариндошларга боғланинг»

“Силаи раҳм” калимасини она тилимизга сўзма-сўз ўгирадиган бўлсак, “раҳмни боғлаш” деган маъно келиб чиқади. Раҳм эса қариндош дегани, она бачадонини ҳам араблар “раҳм” дейдилар. Демак, силаи раҳм деганда қариндош-уруғлар билан яхши алоқада бўлиш, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, ҳамда уларни моддий ва маънавий жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш ва хоказолар тушунилади.

Шубҳасизки, динимиз Исломда силаи раҳмга ниҳоят даражада қаттиқ эътибор қилинган. Ўнлаб оят ва ҳадисларда бу мавзу эсга олинади. Силаи раҳмнинг фазилати, аҳамияти ва зарурати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларида такрор-такрор уқтирилади.

### 4. «Кечаси одамлар ухлаб ётганида намоз ўқинг».

Бунга хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқиш ва тунги таҳажжуд намозлари киради.

5. «Саломат ҳолда жаннатга кирурсиз», демоқдалар. Яъни мазкур санаб ўтилган нарсаларни ихлос билан амалга оширганлар жаннатга соғ-омон киришлари айтилмоқда.

Аллоҳ таоло барчамизни ана ўша мартабага насиб айласин.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



